



# O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

№ 44 (4599) 2020-yil 6-noyabr

## ЯНГИ ЎЗБЕКISTON

### РЕНЕССАНС МАКТАБДАН КУЧ ОЛАДИ

Ўтган ҳафтада – 30 октябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизimini такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди, соҳадаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

– Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратяпмиз. Бунда бизнинг энг яқин кўмакчиларимиз устоз ва мураббийлар, илмий ва ижодкор зиёлилардир, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентнинг юксак ишончи ва меҳри сўзлари замирида катта мазмун мужассам. Зеро, устоз-мураббийлар ва ижод аҳлига бўлган меҳрини энг буюк истиснод эгалари ҳам айтиб адо қила олмайдилар. Мирзо Улуғбекдан “Сиз нега кўпроқ илмга қизиқкансиз?” деб сўраганларида, ул зот шундай жавоб берган эканлар: “Мен илмнинг қудратини бобомдан билдим. Бир сафар бобомнинг тиззасида ўтирар эдим. Баногоҳ хузури муборакка бир киши кирди. Бобом шовиб ўрнидан турди. Мен унинг тиззасидан тушиб кетдим. Бобом бунга

парво ҳам қилмасдан халиги одамни карши олишга ошқиди. Кейин билсам, ўша киши бобомга бир пайтлар илм ўргатган устози экан...”

Давлатимиз раҳбари, аввало, мактабларда ўқув юкчаси ва дарслар соатини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш зарурлигини таъкидлади. Бу борада Финляндия тажрибаси мисол қилиб келтирилди. Ушбу мамлакат умумий саводхонлик, табиий фанлар ва математика бўйича дунёда энг илгорлардан бири.

– Мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Улуғ аждодларнинг таваллуд саналари ва шу каби умумий маълумотлар-

дан кўра, уларнинг маънавий мероси мағзини, дейлик, ҳазрат Алишер Навоий гоҳларининг мазмун-моҳиятини биринчи масала ўларок кўришимиз жоиз. Улуғларнинг фаолияти, оламшумул ишлари ва ўғитлари ўқувчини таъсирлантириши, уни руҳлантириб, эзгу ишлар қилишга ундаши асосий ўрин тутмоғи лозим. Бошқа фан соҳаларида ҳам шундай билимларга эътибор қаратиш керак. Эстетик дидни шакллантирадиган, тафаккурни, фазовий тасаввурларни оширадиган фанларга эътиборни кучайтириш “ўқувчининг фикрлаш қобилияти ошиши”га жуда катта таъсир кўрсатади. Айниқса, ўқувчи-ёшларда сабр-тоқат, матонат, ирода (бирор масала юзасидан чуқур ўйлаб, ижодий фикрлаб жавоб бериш) каби кўникмаларни кучайтириш, уларнинг янада тартибли ҳамда режали иш тутиш қобилиятига ижодий таъсир этади. Бунда математика, тасвирий санъат, чизмачилик, технология каби фанлар алоҳида ўринга эга.



Суратда: Гулистон шаҳридаги Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари. Аҳмад ТўРА олган сурат.

### Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги БУЮК БРИТАНИЯЛИК НАВОЙШУНОС

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси томонидан ўзбек тили ва адабиётининг асосчиси Алишер Навоий асарлари бўйича британиялик эксперт, профессор Николас Уолмсли билан видеоконференция форматида учрашув ўтказилди.

Британиялик мутахассисга Ўзбекистоннинг маданий-тарихий бойликлари, жумладан, ўзбек мумтоз адабиёти меросини асраб-авайлаш ҳамда уларни оммалаштириш борасида мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган сазй-ҳаракатлар ҳақида маълумот берилди.

Николас Уолмсли Ўзбекистон шоир ва ёзувчиларининг адабий асарларини оммалаштириш ўзбек халқи маданияти, тарихий кадриятлари ва анъаналарини тарафдор равишда муҳим омили эканини қайд этди. Шу нуктадан назардан у Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи 2019 йил Буюк Британияда инглиз тилида нашр этилганини юқори баҳолади.

Унинг фикрича, Алишер Навоий асарлари инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар, жумладан, Буюк Британия ва АҚШ эксперт доиралари томонидан етарлича ўрганилмаган. Бирок шу билан бирга, ўзбек мумтоз адабиётининг адабий мероси Европада яхши

таниш. Хусусан, француз, немис ва италия тилларида Навоий ижодий мероси ҳақида кўплаб илмий мақолалар чоп этилган.

Англик мутахассиснинг таъкидлашича, у Навоий асарлари ҳақида инглиз тилида илмий ишлар ёзаётган кам сонли муаллифлардан биридир. Н.Уолмсли, хусусан, “Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида “Ясавия” тариқати элементлари” (2014 йил), “Алишер Навоий: такдид, инновация ва 1500 — 1900 йилларда Марказий Осиё адабий маданиятининг шаклланиши” (2016 йил), “Алишер Навоий ва туркий, форсий шеърининг бой олами” (2020 йил) ва бошқа илмий мақолалар устида иш олиб борган.

Айни пайтда эксперт Алишер Навоий ҳамда ўзбек мумтоз шеърини таъкидлаш Нодира ва Мухаммад Раҳимхон Феруз асарларини киёсий таҳлил ва тадқиқ этиш устида иш олиб бормоқда. Тадқиқотчининг фикри-

ча, ушбу илмий изланишларнинг натижалари инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда Алишер Навоийнинг кўп асрлик фалсафасини тушунишда “адабий қўлланма” вазиасини ўтайди.

Британиялик эксперт яқинда Алишер Навоийнинг ўттиздан зиёд ғазалининг инглиз тилига таржимасини якунлаганини маълум қилди. Шу нуктадан назардан элчихона 2021 йил февраль ойида Навоийнинг 580 йиллиги арафасида шоирнинг инглиз ва ўзбек тилидаги шеърини тўпламини нашр этиш таклифини ўртага ташлади.

Николас Уолмсли, шунингдек, элчихона томонидан Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир доирасида ўз илмий тадқиқотлари ҳақида сўзлаб беришга тайёрлигини маълум қилди.

Бундан ташқари, Николас Уолмслининг Ўзбекистондаги ихтисослашган олий ўқув юртини талабалари учун маърузалар ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқиш бўйича ҳам келишувга эришилди.

“Дунё” АА.

Лондон

## МУНОСАБАТ

Президентимиз томонидан санъат ва маданият соҳасига оид қабул қилинган қарор, фармонлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳа фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб, давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги концерт, маданият саройлари ва бошқа муассасаларда тўлиқ жонли ижро асосида ўтказилган концерт дастурлари учун ижара тўловидан 50 фоиз чегирма бериш тартибининг жорий этилиши санъаткорларни ниҳоятда хурсанд қилди. Бу жонли ижродаги концерт дастурларининг кўпайишига хизмат қилиши баробарида санъатда ҳақиқий овозга эга бўлган янги истеъдодларнинг кашф этилишига ҳам имконият яратди. Бу борада амалга оширилаётган улкан ислохотларга янада катта йўл очиб, маданият ва санъат соҳасидаги ислохотларни жадал давом эттириш, маданият муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида қатор имкониятлар яратиб берди.

2021 йилнинг 1 январидан бошлаб, давлат органлари ва ташкилотларининг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, уларнинг ташаббуслари билан ўтказилган оммавий-маданий ва концерт-томосха тадбирлари ҳар йили тасдиқланган мазкур календарь режалари асосида ўтказилиши ҳамда концерт-томосха фаолиятини амалга оширувчи шахслар томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг буюртмаларига асосан кўрсатиладиган барча хизматлар эътибори билан таъминланган шартнома асосида тақдим этиб борилишининг белгила-ниши санъат аҳлига ижодий эркинлик шароитини яратиш бериши шубҳасиз.

### ЮКСАК ИЖОДГА РАҒБАТ

Шунингдек, ижод аҳлини анчадан буён муҳим бир масала — муаллифлик ҳуқуқи масаласи қийнаб келаётган эди. Бизда ҳали-ҳануз биронинг ижод маҳсулини бемалол “ўзиники” қилиб олиб, ижро этиб юрган ижрочилар оз эмас. Ижодкорларнинг меҳнатларини юзага чиқариш, ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш, янгилик яратишларида муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатасининг ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, санъаткорларни йиллар ўтса ҳам севиб тингланган қўшиқлар яратишга, асарлар ижод қилишга руҳлантиради.

Очиги, жаҳонда ва юртимизда, пандемия шароити қўллаб соҳалар қатори санъат соҳасидаги режаларни ҳам анчагина ўзгартириб юборди. Шунга қарамай одамларга ҳушқайфият улашиш, уларнинг кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида карантин даврига мослашиб, қондаларга риоя қилган ҳолда юртимиздаги давлат ва нодавлат телеканаллари орқали санъаткорларнинг онлайн концерт дастурлари ташкил қилинган, уларнинг турли кўнгилочар кўрсатувларда катнашаётгани ҳамда саховат ишларида фаоллик кўрсатишга санъат аҳли халқ билан бирга эканини намойён этди.

Бугун ҳам карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда мамлакатимиз бўйлаб турли сайлгоҳлару очик майдонларда хонандалар, театр актёрлари ҳамда турли йўналишларда ижод қилаётган санъаткорлар иштирокида “Майдон томошалари” фестивали ташкил этилмоқда.

Матлуба МАҲКАМОВА,  
“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси  
маъбулот хизмати ходими

Александр ФАЙНБЕРГ,  
Ўзбекистон халқ шоири

ОНАМБА

Яшил дала, ям-яшил очун,  
Фақат онам камлик қилади.  
Меҳрин ҳақин қайтармоқ учун  
Мангулик ҳам камлик қилади.

\*\*\*

Бу дунёда бир ажиб уй бор,  
Дўстлар унда жамдир бахтиёр.

Унда – баҳор, гул ҳам настарин,  
Кимдир куйлар ҳаёт рангларин.

Унда руҳни зулмат қопламас,  
Мени ҳам бир эсласалар бас.

ЭТИМҚ ЭШИККА  
ЭМИВАН БИТТИК

Тақиллатма эшикни дилхун,  
Бас қил энди, бир нафас қўй-да.



Мен уйимда бўлмайман бугун,  
Эртага ҳам бўлмайман уйда.

Сен – шоирсан. Сен зўрсан минг бор,  
Нечун яна кўнглинг тўлмайди?  
Мени тинч қўй.  
Авлодларга бор,  
Авлодлар ҳам уйда бўлмайди.

Сирождин САЙИД  
таржимаси

## XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Таниқли болалар шоири Мирзиз Аъзам “Хотиралар” китобида ардоқли шоиримиз Миртемир ўз асарларида ишлаган, алмо изохли лугатимизга кирмаган бир неча сўзларни келтириб, ҳақли равишда ёзади: “Бу сўзларнинг барчаси бир-икки ўтиришда кўзимга чалинганлари, холос. Менинча, лугатчи олимларимиз “Навоий асарлари лугати” музасалари каби “Миртемир асарлари лугати” ҳам тузишса, туркий тилимизнинг бойлигини кўрсатувчи бир ватанпарварлик бурчини адо этган бўлардилар”.

### СЎЗ МУСАВВИРИ

Бу фикр Ғафур Ғулום ижодига ҳам тааллуқли. Шоир ва адиб қўллаган сўзлар, у хоҳ бирор тор соҳага тегишли бўладими, хоҳ мавжуд сўзлар асосида ясалган янги сўз, неологизмлар бўладими, ҳаммаша бадийий ниятга, поэтик мақсадга хизмат қилади. Мана, аллома вафотидан кейин чоп этилган тўртлик: “Дунё қўлинг қирдир”, деганлари рост, ахир, Қўлом, тўпол қолади заргарнинг кўрасида, Миллионердан сўрасанг майдаси йўқ бир пақир, Бриллиант – кўмир демек атом гилбўтасида. Соф фанний тил билан айтсак, бу ерда таносиб, бир-бирини изохловчи, тўлдирувчи тўрт ҳодиса ва фикр ёнма-ён қўйилган. Лекин уларнинг орасида биттаси, биринчиси тўртлик бадийий ғоясини ҳосил қилишда етакчи. У шоирнинг ихтироси эмас, бу ҳикмат халқимиз орасида машҳур. Шоир уни тасдиқлайди, холос. Аммо ундан кейин келадиган таносиб мисралар илк мисрадаги халқ донишмандлигининг янги-янги фалсафий қирраларини очиги хизмат қилади.

## ОБУНА ~ 2021



Азиз газетхон!

Севимли газетангиз — “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”га 2021 йил учун обуна давом этмоқда. Келгуси йилда сиз:  
✓ мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг сара намуналари, назм, наср ва бадийий публицистик асарлар билан ошно бўласиз;  
✓ жаҳон адабиётининг энг яхши таржималар;  
✓ адабиётшунос олимларнинг илмий-таҳлилий мақолалари;  
✓ юртимиз ва жаҳон санъат олами янгиликлари, санъат ва маданият тадбирлари ҳақидаги таҳлилий мақолалар;  
✓ ёш истеъдод эгаларининг энг сара шеър ва ҳикоялари билан танишиб бора-расиз.

Севимли “ЎЗАС”га обуна бўлишни унутман!

Индекс:  
Жисмоний шахслар учун — 222.  
Ташкилотлар учун — 223.

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Мана, бир ҳафтадирки, мактаблар ва ўқув юртларида ушбу йиғилишда кўрилган муҳим масалалар хусусидаги кизгин муҳокама-лар тинмайпти. Айниқса, ижтимоий тармоқларда билдириладиган кўплаб фикр-мулоҳазалар, ушбу юксак машваратда айна халқ кўнглидаги масалалар кўтарилганидан дарак беради. Мактаб ва таълим ишларида шахсан давлат раҳбари томонидан доимий эътибор кўрсатилиши, соҳа вакилларида тортиб, ота-

хаётидан қизиқарли мақолалар чиқариб бориши, турли викториналар, мушоиралар, адабий кечалар, кизикарли дарслар, китобхонлик, шеърхонлик мусобақалари ташкил этиши мумкин. Ижодкорларни мактабларга бириктириш ва уларга шарт-шароит яратишни туман ва шаҳар ҳокимлари шахсан назоратга олади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бу ишларни ташкиллаштиришга амалий ёрдам беради, алоҳида қўшма қарор қабул қилинади. Ёзувчиларнинг мактабларга бориб нима иш қилишига онд методик қўлланмалар

Шоир Сирожиiddин Рауф: – Ижодкорларнинг таълим жараёнидаги иштироки – ҳар битта мактабга камида битта адабий нашр кириб боради, дегани! – Давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқини тинглаб, XIX аср охири ва XX аср бошларида халқни маърифатли қилишга интилган, янги усулдаги мактаблар, одамларни фикрлашга ўргатадиган газета-журналлар, дарсликлар чоп этиш учун нашриёту босмаҳоналар очган жаҳидларини эсга олдим, – дейди Ёзувчи Фозил Фарҳод. – Уларнинг

# РЕНЕССАНС МАКТАБДАН КУЧ ОЛАДИ



оналар, бутун халқимиз руҳини кўтариши – аён ҳақиқат. Президентимизнинг, ҳафтада бир марта ҳокимлар ҳам мактабга келиб, ўқувчилар билан юзма-юз учрашишга даъват этгани – эсимизда. Кечаги йиғилишда ҳам ана шундай ҳаётбахш таклифлар ўртага ташланди. Ҳар битта мактабда биттадан штаг очилиши, уларга ижодкор ёзувчилар ишга олиниши ва ойлик тўланиши ҳам айтилди. “Бюджетдан қанча қаражат бўлсаям, лекин шунини мен лозим кўрдим. Энг тўғри йўлимиз ҳозир шу”, дея таъкидлади Президент.

Мактабларга жалб қилинган ижодкорларнинг вазифалари нималардан иборат бўлади? Улар мактаб ўқитувчилари ва фаол ўқувчиларни жалб этиб, газеталар чоп этиши ёки ўқув масканларининг электрон сайтида мактаб

чиқарилади. Бу юксак ишончдан руҳланган ижодкорлар, ҳозирданок бир-биридан қизиқарли ва муҳим таклиф-мулоҳазаларини баён этишаётир.

– Ҳар бир мактабга биттадан ижодкор, имкони бўлса, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси кириб борганда, албатта, маънавий-маърифий жабҳада сезиларли силжиш бўлади, – дейди таниқли шоир Абдумажид Азим.

– Мактабдаги таълим-тарбия жараёнида буюк аждодларимиз, хусусан, Амир Темур ўғитларига кенг ўрин ажратилиши мақсадга мувофиқ, – дейди адиб Ҳаким Сагторий. – Чунки улуг Соҳибқирон маънавий меросида Ватанини севиш, ҳалоллик, адолат, хайр-саховат, мардлик каби умуминсоний қадриятлар муҳассам. Бу ҳақда шахсан Президентимиз кўп таъкидлашлари ҳам бежиз эмас!

ишлари энди бугунги ёзувчи-шоирларимиз томонидан давом эттирилишига ишондим. Мана, замонамиз ижодкорларига катта имкониёт. Мактабларга бориб, халқ фарзандларини маърифатли қилинг, ўқитинг, тарбияланг, улар билан бирга газета-журнал чоп этинг...

Тарих шунини кўрсатадики, замонасининг ўткир муаммоларига муносиб жавоб бера олган жамиятгина тараққий этади. Муносиб жавобни эса ўзини доимий ислох қилиш орқали янгича шароитда янгилаш

турмушга тайёр бўлган жамият бера олади. Бундай тайёргарликка сифатли таълим тизими орқали эришилади.

Дарҳақиқат, миллатнинг кенжа бўғини бўлмиш ўқувчилар маънавий камолотига барчамиз бир жон-бир тан бўлиб ижобий таъсир кўрсатсақкина орзумиздаги янги уйғониш даврини чиндан содир эта оламиз.

Жамиятда ўқитувчи мавқеини кўтариш ғоясида ўзликка қайтиш, улуг боболар тутумини қадрлашдек эзгу мақсадлар мужассамдир. Президентимиз қайд этганидек, “Мактаб ўзгармаса, элтирмайди”. Бу — аксиома. Буни инкор қилиб бўлмайди”.

**Бахтиёр ХАЙДАРОВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИДАН



## ҲАЁТ РАНГЛАРИНИ КУЙЛАГАН ШОИР

Алишер Навоий номидаги Миллий боғнинг Адиблар хиёбонида Ўзбекистон Кахрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов хотирасига бағишланган адабий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда

шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунослар, шунингдек, устознинг фарзандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Тошкент Ирригация ва қишлоқ

хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир Абдулла Орипов хайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Шу ернинг ўзига адиб китоблари кўргазмаси ҳам ташкил этилиб, талабаларга “Сўз чамани” туркумида чоп этилган китоблар тарқатилди. Ёш мусаввирлар томонидан тадбирга бағишланган суратлар чизилди.

Абдулла Орипов фарзандларининг самимий дил ихзорлари ва хотиралари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ижодкор талабалари томонидан ўқилган шеърлар тадбирга файз улашди.

– Талабаларимиз устоз Абдулла Орипов китобларини кўлдан қўймай ўқийдилар, – дейди институт проректори Рўзимурод Чориев. – Қолаверса, ижодкор ёшларимиз учун устозлар ҳаёти ва ижоди ибрат бўлиб хизмат қилмоқда. Адиблар хиёбони эса бизнинг маънавият масканимизга айланган.

## АДИБ, КИТОБ ВА КИТОБХОН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли адиб Фолькиннинг номини республикамизда яхши билишари. Серкирра ижодкор нафақат ёзувчи, балки журналист, санъатшунос, кинотанқидчи, расом сифатида ҳам тилга тушган. Ёзувчининг ўттиздан ортиқ бадиий асарлари, эссе, лавҳалардан иборат китоблари муҳлислар томонидан илиқ кутиб олинган.

Яқинда ижодкорнинг яна бир янги асари — “Ишқ романи” кассаси ўқувчилар кўлига етиб борди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими Ёзувчи Раҳим Исқандар (Фолькин) билан ижодий учрашув ташкил этди.

Унда Ёзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими етакчи мутахассиси Нуртўра Эргашов, “Ижод” жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Самандар Жўраев, “Сурхон” адабий клуби аъзоси Шаҳзод Тўхташев сўз олиб, адибнинг ижоди ва ҳаёт йўли тўғрисида сўз юритдилар.

Шу билан бирга адабиёт ихлосмандлари, ёзувчининг муҳлислари Фолькин асарларидан олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Қизгин суҳбат жараёнида ёш ижодкорларнинг ташкил этилган мушоираси тадбирига ўзгача файз бағишлади. Ижодий учрашув нихоятда вилоят бўлими ташаббуси билан атоқли ёзувчиға эсдалик режалари билан топширилди.

– Севимли ёзувчимиз билан уюштирилган ушбу ижодий кечани узок вақт эслаб юрамиз, — дейиши тадбир иштирокчилари тўлқинланди.

Ёзувчи барчаға ўзининг самимий миннатдорлигини билдириди ва келгусидаги ижодий режалари билан ўртоқлашди.

**Доноҳол ЖУМАЕВА,**  
Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими мутахассиси

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” китоби чиққани ҳақидаги хабарни Давлат тилини ривожлантириш департаментининг Интернетдаги сайтида ўқиб қолдим. Изоҳли луғат қўлимга тегиши билан биринчи қилган ишим олдинги беш йилда луғат билан солиштириш бўлди. Китобнинг кириш қисмида ноқ бидимки, бу 2006 йилда чиққан луғатнинг тузатишган навири экан.

Барибир яхши, чунки ўн тўрт йил олдинги луғат атиги беш минг нусхада чоп этилган, кимда бор, кимда йўқ. Навбатдаги китоб ҳам жуда кам нусхада чиқарилишига қарамай узок йиллар юзга келган бўшлиқни қисман бўлса-да тўлдирди, айниқса, янги тизим жорий қилиниб, туман ҳокимларининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчилари иш бошлаган бир пайтда улар учун қўлланма вазифасини ўтайди.

Варақлай бошладим, олдинги изоҳли луғат билан деярли бир хил, фақат айрим сўзлардаги фонетик ўзгаришларга кўзим тушди. Масалан, “гурилламоқ” сўзи “гурулламоқ”, “гуркирамоқ” – “туркурамоқ”, “гурсилламоқ” – “гурсулламоқ” тарзида ёзилибди. Сўзлар алфавит тартибда жойлашганлиги учун ўрни алмашган. Дарҳақиқат, китобнинг сўзбошида олдинги луғат билан янги луғат ўртасидаги фарқли жиҳатлар ҳақида фикр юритилиб, тилимиз XX асрнинг иккинчи ярмида, хусусан, кейинги ўн йилда янги-янги сўзлар, сўз шакллари ва ифода воситалари билан бойигани, сифат жиҳатидан ўзгаргани, янги мезърлар шаклланиши, булар тилининг фонетик таркиби ва алифбосида ҳам, имло ва талаффузида ҳам, морфологик ва лексик-семантик тузилмасида ҳам, стилистикаси ва грамматик қурилишида ҳам озми-кўпми акс этгани ва натижада айрим тузатишлар киритилганлиги билдирилган. Шунингдек, луғатни чиқаришдан мақсад ўзбек тилининг бутун сўз бойлигини эмас, балки ҳозирги замон ўзбек тилининг кенг истеъмолдаги сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш эканлиги айтилган.

Албатта, чоп этилган ҳар қандай китоб ҳақида фикр билдириш, мулоҳаза юритиш, камчилик топиш осон. Аммо ишни ташкил қилиш, бажариш, айниқса, бу иш сўзга алоқадор

бўлса, қанчалар кийин экани сир эмас. Шундай бўлса-да, луғат билан танишарканман ҳаёлимдан бир фикр ўтди: қачонгача 80 минг сўз атрофида айланиб юрамиз? Қачон ўзбек тилининг мукамал изоҳли луғати чиқади? Ҳолбуки, Алишер Навоий бобомиз ўз асарларида миллиондан ортиқ сўз ишлатгани ҳақида ёзишган. Бу сўзларнинг аксарияти араб, форс, урду, хитой,

# МУКАММАЛ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ ЭҲТИЁЖИ

мўғул сўзлари бўлганда ҳам миллион рақамининг ўзи Навоий ижоди, қолаверса, туркий тилининг қудратига тугилган кўзгудир.

Шу йилнинг апрель-май ойларида Китоб туманида тажриба тарикасида туман шевасини тўплаш тадбирини ташкил қилгандик. Тадбирда эътибор шева билан адабий тил ўртасидаги фонетик ўзгаришларга эмас, асосан, лексик бирликка қаратилди ва натижада от, сифат, феъл сўз туркумлариға онд мингдан ортиқ шева сўзлар ва сўз бирикмалари тўпланди. Изоҳли луғат билан солиштириб, тўпланган сўз ва сўз бирикмаларидан уч юздан ортиги луғатга киритилмаганини аниқладик. Ҳолбуки, бу сўзларнинг аксарияти халқ орасида кенг ишлатилади.

Биргина “ланг” сўзини олиб кўрайлик. Бу сўзнинг маънолари кўп, ана шулардан бири “эпидемия” сўзига синоним экандир. “Қорин оғриқ ланг бўлибди”, “Ҳозир томоқ оғриқ ланг экан” ва ҳоказо. Изоҳли луғатда ланг сўзининг чўлоқ, оқсоқ ва “ланг” очик, яъни катта очик маънолари киритилган.

“Вазир” деган сўзга эътибор қаратайлик. Тўғри, бу сўз луғатдангина эмас, ҳаётимиздан ҳам жой олиб кетди. Илгари биз вазирни тари-

хий сўз сифатида эртақлардаги подшонинг ўнг қўл ва чап қўл вазирини деб тушунганимиз ва шу тасаввур билан улғайганимиз. Пайт келиб бу сўз тилимизга шу қадар сингиб кетиши ҳеч қимнинг хаёлига келмаган. Биз ҳозир сиёсий ҳаётимизни Вазирлар Маҳкамаси, бош вазир, вазир ўринбосари, вазир деган сўзларсиз тасаввур этолмаймиз. Ҳоким, вилоят, туман каби сўзлар мисолида ҳам бунини айтиш мумкин. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида араб тилидаги жумҳурият, тожик тилидаги ноҳия каби сўзлар ҳаётимизга сингиб кетмади, негаки алмаштириладиган сўзда, аввало, она тилимиз руҳи акс этиб туриши керак. Кўриниб турибдики, бисотимизда сўзлар кўп ва улардан фойдаланиш керак.

ри тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги қарорларининг аҳамияти катта. Агар ташқи рекламалар, шунингдек, пешлавахалар, эълонлар ва ҳоказо ёзувларнинг “Давлат тили тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги қонунлар талабларига мувофиқ давлат тилида, имло хатоларисиз ёзилишини тақозо этувчи, шу соҳа билан шуғулланувчи субъектларнинг бу борадаги жавобгарлигини назарда тутувчи қарор қабул қилинса, айни муддао бўларди.

Негаки, ёзувлар маблаг билан боғлиқ, Ҳашаматли иморатнинг пештоқиға катта харфлар билан чет тилида ёзилган ёзувни алмаштириш ҳақидаги таклиф тадбиркорға ёкмаслиги аниқ

Ёзувларни тайёрлаб берувчилар ҳам тадбиркор, уларни ёзувнинг қайси тилда бўлиши, имловий хатолари кизиктирмайди. Боз устига бундай ёзувлар халқимизнинг маънавияти ва маърифати билан боғлиқлиги қарор билан бу ишларни тартибга олиш, айрим ёзувларни алмаштириш бўйича муддатлар белгилаш ва ҳоказоларни тақозо этади. Шу жараёнда нафақат ташқи тарғибот воситалари тайёрловчи тадбиркорларнинг эълонларига назар ташлайлик: “Баннер сетка”, “Принт печать”, “Ламинация”, “Табличка”, “Оракал таблички” ва ҳоказо. Ижтимоий тармоқда хатто “Фомексдан оракал эшик табличка тайёрлаш” деган ёзувга ҳам кўзим тушди. Мана, сизга таржима. Аммо яна қандай таржима қилиш мумкин? Гоҳида айрим сўзларни ўқиб, “Қанақа хизмат тури экан?” деб маълумот қилиришга ҳам тўғри келади. Баъзан сўзнинг муқобилини топамиз, дегунимизча чет тилидаги сўз оммавийлашиб кетади. Масалан, бизнинг туманида илгари “доставка” деган ёзув деярли йўқ эди. Карантин муносабати билан бу сўз бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб кетди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: реклама бўйича фаолиятини тартибга олишда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги “Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирла-

Давлат тилини ривожлантириш департаменти раҳбарлигида ўтган вақт мобайнида туманларда анчагина ишлар қилинди. Аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари қайта хатловдан ўтказилиб, чалқашликлар бартараф этилди. Қишлоқларнинг юзлаб номсиз қўчаларига ном берилди. Шахс номлари билан боғлиқ жой номлари ўрганилиб, шу жараёнда номларнинг тарихи бўйича янги маълумотларга эга бўлинди. Ноқонуний деб топилган жой номларига муносабат билдирилмоқда. Шунингдек, транспорт ва муҳандислик техника инфратузилмаси ва табиий объектлар хатловдан ўтказилмоқда. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг тузатишган навири чиқарилди.

Назаримда, Департаментимиз ташкилотчилигида Ўзбек тилининг мукамал изоҳли луғатини яратишга киришиш ва бунинг учун бир пайтнинг ўзига унга ёндош изоҳли луғатлар – Ўзбек мумтоз адабиёти, ўзбек шевалари, ўзбек тилида четдан кирган сўзларнинг мукамал изоҳли луғатларини нашр этиш пайти келди. Мазкур уч луғат ҳозирги ўзбек адабий тилининг мукамал луғатига асос бўлади. Бу, албатта, жуда катта ташкилотчилик, машаққатли меҳнатни, эҳтирд, бир неча йиллик вақтин талаб қилар. Бу ишнинг қайсида нукталарига маслаҳатчиларни ҳам йўналтириш мумкин. Масалан, оммавий шева тўплаш тадбирларини ўтказиш, энг кўп ишлатиладиган четдан кирган сўзларни аниқлаш ва ҳоказо. Шунингдек, мамлакатимиздаги барча қишлоқ номлари тарихини шакллантириш ишларини амалга оширса бўлади.

Булар шунчаки фикр, мулоҳазалар. Лекин айни пайтда беш йилда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” китобининг қайта чоп этилгани нихоятда аҳамиятли эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Луғат сўз санъати билан боғлиқ хар бир соҳа ходими ва бошқалар учун ҳам беминат хизмат қилиб бера олади.

**Лола ҲОҚОВА,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
Китоб тумани ҳокими маслаҳатчиси

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ



Тоғдан қайтиб келаётган эдик. Мен, яна учта ошнам. Ҳаммамиз эшакдамиз. Ола Чопон кишлоғига кирдик. Одамлари янги ерларга кўчиб кетиб, уйлари хувиллаб қолган. Томлари бузилиб, ёғочлари ҳам ташиб кетилган. Мол ўтмайдиган баландликдаги деворлари ҳам нураган, бог ичидаги олма ва тоғолчалар эса пишиб ётибди.

Сой ёқалаб, деворларнинг ёнидан бораётган эдик. Ошналаримнинг

бор. Баландлиги уч километрча келади. Эшакнинг елкасини халачўпнинг учи билан китиклаб, хайдайвердим. Кун кизиб келаётганди. Майли, бир оз юрай, кейин эшакдан тушаман. Арчазор бошланади. Соясидан кета-вераман.

Бир пайт орқадан Ҳабибулла: — Буёқдан борамиз, — деди. Қарасам, эшагини довоннинг битта ҳам тиккайган дарахти йўқ яланг томонига буряпти.

— Нима қиламиз буёқдан юриб? — Овул бор, қатик ичамиз. Қатик... Қатикдан ким юз ўгиради? Ҳадемай кун кизиб кетади.

Индамай, эшакни изига қайтардим. Улар яна олдинда, мен орқада. Яна улар олма еб, пўчоғини эшакларнинг оғзига тикиб боришяпти.

Довоннинг ярмигача бордик. Лекин овулдан дарак бўлмади. Чанқай бошладим... Кун кизиб кетди. Теваракда сув деган нарса йўқ...

— Овул қани? — деди Ҳабибулла хўмрайиб қараб.

— Йўқ, кўчиб кетишибди, — деди у бепарво ва қарсиллатиб яна битта пахтаसेб олмани тишлади.

# ОЛМА ЕМАДИМ

бири — шўх, шум, тикмачоқдай Ҳабибулла:

— Пича олма олмаймизми? — деб қолди. Таклиф бошқаларга ҳам маъқул бўлди. Эшаклардан тушдик.

— Хуржунларни олинглар. Уйга ҳам элтамиз.

Бу таклиф ҳам бошқаларга маъқул бўлди. Хуржунларни олиб, бири елкасига ташлади, бири билагига осди. Мен эсам, эшагимнинг қалта ёлидан ушлаб, уёқ-буёққа қараб туравердим. Нима бўлса ҳам, бу иш — ўғирлик-да...

— Ҳа? — деди Ҳабибулла. — Боргим келмаяпти... — Эриняпсанми? — деди Мўмин. — Йўқ...

— Бировнинг нарсасига тегишни ёмон кўради бу киши, — деди кесатиб Ҳабибулла, сўнг бир шумликни ўйладими, тиржайди: — Кўрамиз ҳали, кўрамиз...

— Ҳа, ёмон кўраман, — дедим мен. — Бормайман.

Ҳабибулла бошлиқ болалар тош девордан ошиб, қовжираб ётган ўт-ўлан ичига тушишди. Кейин сакраб-сакраб олмазорга кириб кетишди. Мен, ўтлар ичида илон-пилон йўқмикин, деб уларнинг ортидан қараб турдим. Кейин эшагимнинг нўхта-сига боғланган қилчилвирни оёғим остига босиб, тошга ўтирдим. Соё ўртасидаги сувдан холи ерда ўсиб, харсанглар устига ёйилиб ётган ёввойи узумни, кишлок уйлари томоша қилдим.

Девор ортида ўт шитирилади. Ўрнимдан турдим. Ошналарим хуржунларнинг кўзини тўлдириб, биттадан олмани тишлаб илжайиб келишарди. Бирин-кетин менга кўз кири билан қараб, девордан ўтишди.

Ҳабибулла қараганда Мўмин менга яқинроқ. Кўшни бўлмасак ҳам, бирга юрамиз. Мактабда пряник олсақ, бўлиб еймиз. У хуржунини эшагига ортаркан, бир палласини очди.

— Ол, пахтасеб. — Емайман, бу ўғирлик, — дедим. Пахтасеб — олманинг бир тури. Кичкина, сарғиш бўлади. Лекин жуда мазали, серсув.

Жўнадик. Йўл тор: бир томон девор, бир томон сой. Тизилишиб кетяпмиз. Орқада мен. Олдинда Ҳабибулла. Шарглашиб олишганми, бараварига олма тишлашади. Пўчоғини бўлса, олдинга чўзилиб, эшакларнинг оғзига солишади...

Сой биздан узоклашиши билан, эшагимни ниқтадим. Олдинга ўтдим. Қаршимизда Жирғоти деган довон

Рости, оғзимнинг суви келди.

Довоннинг тепасига етишимизга беш юз кадамча қолганда холдан тойдим... танглай ўлгур қуриб, тилим

## МАҲОРАТ МАКТАБИ

оғзимда айланмай қолди. Улар бўлса, ҳамон пишиллаб, олма ейишади.

Эшакка ўрнашиб ўтирган киши бўлиб, Мўминга қарагандим, унинг юзидан менга ачинганини пайқаб қолдим. Дарҳол кўзимни қисдим. Бир майизни икки бўлиб ейдиган Мўмин дўстим фикримни пайқади. Аста-секин эшаги менга яқинлашиб келди.

Мўмин биқинимга туртди. Унга қарамай, орқа чўнтагимни қовлаётган кишидай, қўлимни секин узатдим. Муздаккина, силлиқкина олма қўлимга тегди. Шаргта чангаллаб олдим-да, ҳеч нарса бўлмагандай, эшакни хайдайвердим. Аъзойи баданим билан Ҳабибулланинг кулгисини, таънасини кутдим. Гапларига қулоқ солдим. Йўқ... Бошқа мавзуда... Сезмабди... Иягимни қашимокчидай бўлиб, олмани секин оғзимга элтдим... Карс... Шум бола кузатиб келаётган экан:

— А-ха! — деб юборса бўладими. Болалар қулиб юборишди. Туф, деб ташладим оғзимдагини. Қўлимда қолган қисмини ҳам ерга урдим. Титилиб кетди. Эшагим тумшугини чўзган эди, унинг ҳам бўйнига халачўп билан туширдим.

— Қандай бўларкан? — деди Ҳабибулла. — Емайман, емайман! — дедим. — Кўрдик емаганингизни. — Емадим! — Ҳа-ха... Ўғриликни единг-ку? Анча жанжал бўлди. Кейин болалар иккаламининг яраштиришга тушиб кетишди: «Ҳазил», «келишган эдик», дейишди. Охири Ҳабибнинг ҳам аччиғи чиқиб кетди: «Нима, беш-дўн кило олма билан ҳукуматнинг давлати қамайиб қолди? Шу олма билан биз ўғри бўлиб қолдикми? Одамлар есин деб экишган-да! Қоровули бўлсаки... Аҳ!»

Мен қулоқ солмадим. Пиёда юриб, эшагимни хайдаб кетдим. Довонга чиқиб олдим. Ўзимга энди жуда алам қилди: «Чиқиб олдим-ку? Ўлмадим-ку? — деб ўйладим. — Нега чидамадим? Нега ҳеч кимдан сўрамадан олинган олмани оғзимга солдим. Чидаш мумкин экан-ку? Демак, киши тўғри яшай олади...»

# НУРЛИ СЎЗ ИШТИЁКИ

Яхши шеър – ҳамиша қувонарли, ҳамиша нодир нарса. Камина ижтимоий тармоқларда хилма-хил ижодкорларнинг шеърларини кузатиб бораман. Охирига айтсам, бузунги шеърини савиядан кўн-гил тўлавермайди. Лекин хилма-хил биттиклар орасида гавҳардек шеърлар ярқираб кўзга ташланиб қолади.

Албатта, изланаётган, шеър йўлида уринаётган, ўзини ва ўз қалбини қидираётган ижодкорлар оз эмас. Лекин турли ижодий-назмий ўзанларда шеърлари ҳавола этилиб турадиган уч нафар шоирнинг ижоди кўндан бери менинг эътиборимни тортиб келади. Булар: Самарқанд, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларидан бўлган Шаҳридин Умиров, Лола Жўраева, Хуришд Карим исмли шоирлардир.

Адабиётсиз, шеърятсиз ҳаёт – ҳаёт бўлмайди, балки адаб дурдоналаридан маҳрум қашшоқ бир тириклик бўлади. Халқимизнинг руҳий ва маънавий ҳаётини муҳофаза қилишда шеърятнинг доимий ўрни бор. Айниқса, бузунги кундаги маънавий аҳвол ҳар бир зиёлидан бедорликни ва ўзгача ижтимоий фаолиятни талаб этади.

Бас, менинг ушбу мухтасар сўзимни яхши шеърдан ва нурли сўздан қалби қувонадиган бир адабиёт муҳибининг хушхабарии деб қабул этгайсиз.

Мирзо КЕНЖАБЕК,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

## Жондан ортиқ севаман, Ватан

### ЎЗНИ ПОСБОН АЙЛАСАК

Боғларингга ўзни боғбон айласак,  
Тоғларинг бўйича хирмон айласак.

Бир тану жон, қўлни қўлга берсагу  
Ҳар не мушқулларни осон айласак.

Арзимизни тингласайди қўл – Орол,  
Тўлса, кўз ёшларин уммон айласак.

Минг хижолат чексаю ҳам қолса лол,  
Андалиблар, ўзни хушхон айласак.

Янграгиб минг-минг савот мадҳингга,  
Оламга номингни дoston айласак.

Шаҳри дер: душман келолмас, эй Ватан,  
Сарҳадингга ўзни посбон айласак.

### ВАТАН МЕҲРИ

Дерди хар дардашим, меҳрибон бўлиб:  
“Онангдан айрилиб қолдингми, болам!...”  
Бўзладим ўшал он, бағри қон бўлиб,  
Зимистон туюлиб бу ёруғ олам.

Ва сўнг бир зиёдан ёришди қўнглим,  
Қучоғига олган бир чаман бўлди.  
Мен онам меҳридай меҳрини тўйдим,  
Бағрига босганим шул Ватан бўлди!

Юрак танини ватан этгани каби,  
Ватаним, юрагинг бўлмоқ истадим.  
Мардларинг қадрингга етгани каби,  
Мен ҳам бир керагинг бўлмоқ истадим.

Дард агар жонига кўз тикар бўлса,  
Жон деб қондошимга қонимни бердим.

### Шаҳридин УМИРОВ



Ёвлар сарҳадингга кўз тикар бўлса,  
Майлига, сен учун жонимни бергум!..

Сенсан қароғимда гуллаган чаман,  
Сени жондан ортиқ севаман, Ватан!..

### Лола ЖўРАЕВА



### БАХТЛИЛАР

Такдир ёзуғидан турмасе тониб,  
Ҳар кўрган кундан юрмасе нолиб,  
Арафада бир жуфт иссиқ нон олиб,  
Онасин кўргани борганлар бахтли.

Яқинлари бўлса атрофида жам,  
Бутун бағри сира бўлмасе бир кам,  
Асога суянмай саксон ёшда ҳам  
Ўзин оёғида юрганлар бахтли.

Ўчмасе бемаҳал ёнган чироғи,  
Сўнмасе қумғони қайнар ўчоғи,

## Яхшилар безасин чоргоҳларимни

Азон товущини эшитган чоғи  
Боши жойнамозга текканлар бахтли.

Тинчини бузмасе шайтон кутқуси,  
Бешиқ қучганида кетсе қайғуси,  
Соқин тун маҳали ширин уйқусин  
Чақалоқ товуши бузганлар бахтли.

Банданинг Аллоҳга омонат жони,  
Ўз юрти бағрида бут бўлса нони,  
Ҳар тонг кўз очганда шаффоф осмони  
Кўёш чиқишини кўрганлар бахтли.

### ОСОН ЭТ

Ғариблик шаҳрининг меҳмони бўлсам,  
Яхшилар безасин чоргоҳларимни.  
Гуноҳкор боқмасин, қошингга борсам,  
Осийликдан асра нигоҳларимни.

Дунёни кенг дердим, асли тор экан,  
Ким бахтга, кимлардир ғамга ёр экан,

Менинг ғариб қўнглим сенга зор экан,  
Қарамингдай кенг эт даргоҳларимни.

Тўрт қулик дунё деб ўйнасам, қулсам,  
Ибодатни билмай, нафсга енгилсам,  
Ҳеч ким боқий эмас, ногаҳон ўлсам,  
Бутлолмайин қўнғил қуроқларимни...

Кир босган бу дилни қачон поклайман,  
Махшарда юзингга қандай боққайман.  
Қиёмат кунда не деб оқлайман,  
Афви тиланмаган гуноҳларимни...

Одамга ўхшаган одамлар бисёр,  
Ҳақ қолиб, ҳамиша шайтонга дастёр,  
Барча амалимга гувоҳсан, эй Ёр,  
Ўзинг огоҳ қилгин огоҳларимни...

Осон эт саволу сўроқларимни...

## Жоним фидо сендай юртга

### Хуришд КАРИМ



### МЕҲР

Бир ширин жилмайиб, табассум ила,  
Ғамгин дунёларни қулдирган аёл,  
Қалб кўри лиммо-лим меҳрга тўла,  
Тош дилдан муҳаббат ундирган аёл.

Нозик ниҳолдайин танаси тинмас,  
Бор бўлгин болам дер, носаси тинмас,  
Аёлининг ҳеч сабр, бардоши синмас,  
Дарду ситамларни синдирган аёл.

Ойлари лол этар кўз, қоши билан,  
Тоғларни чўқтирар бардоши билан,  
Кўзида маржондай кўз ёши билан,  
Қалбида ғам ўтин сўндирган аёл.

Қалблари баҳордир, кўзлари маҳзун,  
Оила, рўзғордан аямас кучин,  
Елиблар югуриб фарзанди учун,  
Йўқларни бор қилиб, йўндирган аёл.

Кўклар аёл-чун қучоғин очди,  
Қуёш ҳам оламга нурларин сочди,  
Жаннатдур оналар оёғин ости,  
Оламни меҳрга тўлдирган аёл.

### ВАТАН

Таърифингни қилиб бўлган мендан аввал,  
Мен улардан ўтиб не ҳам дейман, Ватан,  
Жоним фидо сендай юртга, умрим фидо,  
Сени онам, гул диёрим дейман, Ватан,  
Не бюросанг, хизматингга шайман, Ватан.

Дунё кезиб, мен дунёлар топганим йўқ,  
Дунё излаб, ўзга юртга чопганим йўқ,  
Мен тирикман, ҳали тошлар қотганим йўқ,  
Сени номус, сени орим дейман, Ватан,  
Не бюросанг, хизматингга шайман, Ватан.

Остонангни кўриқлайин аскар бўлиб,  
Ҳимоянгга тайёр турай наштар бўлиб,  
Сен қалбимда яшаган гавҳар бўлиб,  
Сени фаҳрим, ифтихорим дейман, Ватан,  
Не бюросанг, хизматингга шайман, Ватан.

Қадринг билмас ношукрлар кўр бўлади,  
Юртфурушлар пепонаси шўр бўлади,  
Тупроғингни кўзга суртган зўр бўлади,  
Тупроғи зар, чаманзорим дейман, Ватан,  
Не бюросанг, хизматингга шайман, Ватан.

Сенда буюк сохибкирон излари бор,  
Тўмариснинг чакнаб турган кўзлари бор,  
Широқларнинг айтолмаган сўзлари бор,  
Сен омадим, кўз-туморим дейман, Ватан,  
Не бюросанг, хизматингга шайман, Ватан.

Мен қарвонман, сен йўлбошчи сарбондурсан,  
Қадим Қанғу қадим Мулки Турондурсан,  
Сен Маккаю Мадинамансан, Курьондурсан,  
Сен нажотим, паноҳдорим дейман, Ватан,  
Не бюросанг, хизматингга шайман, Ватан.

### ДАРДИНГИЗНИ БЕРИНГ, ОНА

Неча кунки қалбимда тугён,  
Кўз ёшларим тизилди – маржон,  
Дардингизга дармон бўлай мен,  
Дардингизни беринг, онажон.

Майли, тотмай шодлик таъмини,  
Ўчирманг ҳеч ҳаёт шамини,  
Менинг умрим олинг ярмини,  
Дардингизни беринг, онажон.

Бардошингиз тоғдек, биламан,  
Меҳрингиз – бир боғдек, биламан,  
Сизсиз бахтни нима қиламан? –  
Дардингизни беринг, онажон.

Сизсиз менинг ёз, баҳорим йўқ,  
Номусим йўқ, дилда орим йўқ,  
Сиздан бошқа хокисорим йўқ,  
Дардингизни беринг, онажон.

Ором олсин бир зум қўнглингиз,  
Болам дея яшаб сўлдингиз,  
Энди сиз деб қуйсин ўғлингиз,  
Дардингизни беринг, онажон.

Пойингизга чўқайин мен тиз,  
Умрларим ўтмасин беиз,  
Жаннатимсиз бу дунёда сиз,  
Дардингизни беринг, онажон.





Гулчехра МУРОДАЛИЕВА

МЕХРИ ЖОНИМ КАДАР ПАЙВАНДИМ...



Ватан

Танамдаги оққан қандай жонбахсан,  
Чехраси қушодим, бағри офтобим...  
Улуғ маърифатли кўхна тарихсан,  
Ўқисам, туганмас ноёб китобим.

Боболарим изи тупроқларингда,  
Нафаси – ҳар майса, япроқларингда.  
Жоним пайвастандир хаволарингда,  
Сен хонумонимсан,  
Битмас соғинчим...

Чорласанг,  
Оловман,  
Ханжарман,  
Бошман, –  
Ёвларинг бўғизга отилган тошман!  
Иста – Тўмарисман, иста – Додхоҳман.

Мехри жоним қадар пайвандим, Ватан,  
Иймоним, виждоним, дил оҳим – Ватан!

Шоғини шайсанми

Мен куйладим – ҳўл бўлди ўтлар...  
Сахарларнинг алвон қошида.  
Юлдузларим,  
Титраб турибман  
Оппоқ тонгининг мовий ёшида...  
Изларимда реза-реза қон,  
Қолса қолсин Ишқдан асорат.  
Юракка ўт тушди – Кундайин!  
Ёлғиз қўйма мени, жасорат.

Отланиши ҳақдир бу тонгининг  
Менинг билан узок сафарга.  
...Гулим, очилишни унутма –  
Бир кун тенгдир бутун асрга!...

\*\*\*

Сен келсанг – дунёнинг эгаси,  
Кўзи сел оқади туманнинг.  
Дурлари сочилиб кетади  
Юракка зил ботган гумоннинг.

Сугуриб олади ҳатто тун  
Заҳлаган кўксини кўксимдан.  
Жонимда дардларим бус-бутун,  
Ишқ,  
мангу қулингман – ўлмаган...

Нур отган ниғоҳинг остида  
Қул бўлган бир ўзим.  
Бир ўзим!..  
Зормасман.  
Бирок талх дунёнинг  
Токида ёниб тур, Юлдузим!

Базорни кутмиш

Дераздан бокканча тонга  
Дўнапти нурга андуҳим.  
Дарахтларда гуллар – бепарда,  
Лабларимда бир ховуч оҳим...

Ҳавас юрагимда гупурди,  
Қўлларимни ёйган имкондан.  
...Дарахтларни осмон ўпарди,  
У ким эди “гул” деб алдаган?..

Ташқарида бир аччиқ сезим,  
Дўстим, яна тинчим йўқолди.  
Ичкарида ҳар лаҳза бетин  
Менинг ғаму умидим қолди...

\*\*\*

Туманнинг кўксига бошин қўйиб қиз  
Йиғлайди, бир лаҳза қалқиб ўтингиз... –  
Нотавон дунёнинг саховати бор:  
Балки қиз – мангудир,  
балки... ўзингиз!

Шуриқ: уш

Пойларимга бош қўйган Баҳор,  
Сени умр бўйи кутдим-ку.  
Армонлардан ўсган дунёда  
Умид билан қонлар ютдим-ку...

Карвон қулар ўтди. Қайтмади.  
Орзум илинж кутди. Айтмадим.  
Парвонадай бунчалар суйдим? –  
Куйдим. Куйдим. Куйдим...  
Куймади!

Шеър

Энди мумкин оёғин ёзмақ,  
Замин юмшоқ, осмон – мафтункор.  
Бағрига бош қўйганда бир кун  
Ҳаяжондан отар зангор тонг!..

Шамоллари қайсар, ифорли –  
Раккос баҳор тинчлик бермайди.  
Туни бўйи суйиб, қитиқлаб,  
Вужудда ғамлар гуллайди...

Балки булбул кўнар кафтига, –  
Армонлари тушдай тарқалар.  
...Аммо нега (кифтдан учган)  
Кўксин тилар  
Кетар қарғалар?!

\*\*\*

Тун қаро йўлакдир.  
Дил – шафак, бўлак!..

Энди ором иста  
Ноором юрак.

Ёлғизлик ханжарин санчди –  
Беомон!

Дил икки бўлакдир,  
Тун бўлак-бўлак...


Хавотир

Сенга нима керак, аслида,  
Ўйларимни бузган хавотир?..  
Ўтга тушган бир гул қасдида  
Куйганлигим туш эмас, ўндир!

Қўй, баримни тутмагин, қайгу, –  
Изларимда кезма саро-сар.  
Бу лаҳзада оғриқлик қилди  
Ҳатто сени кўр қилар туйғу...

...Йилларимнинг қатини титиб  
Ном изладим титроқларимга.  
Кўрдим:  
Умрим – бир сатр Шейрдир,  
Йўлим... жим-жит қийноқларимда..


Галерея: Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев ижодидан



Келин



Зиёда момо




Қумқўрғон олмалари



Сайроблик қария

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШРЛАР



«ЖАҲОН АДАБИЁТИ»

2020 йил сентябрь сони

Журналнинг ушбу сони илк саҳифаларида атоқли навоийшунос олима Суйиша Ғаниеванинг “Навоийнинг “ёри азиз”и” мақоласини ўқийсиз.

Машҳур инглиз адаби Ирвин Шоу ижоди ўзбек китобхоналарига “Бой, камбағал” ва “Тунги дарбон” номли романлари орқали таниш. Ёзувчининг асарлари ўтган асрнинг маънавий-ахлоқий муаммоларига, жамият ҳаёти ва инсон ўртасидаги зиддиятлар тасвирига бағишланган. Журналнинг мазкур сонидан бошлаб И.Шоунинг “Тиланчи ва ўғри” романи Амир Файзулла таржимасида босила бошланди.

Таникли қозоқ шоири Ўлжас Сулаймоновнинг асарлари ўзбек шеърят мухлислари орасида машҳур. Шоир ижодидан танланган шеърлар ва “Яшил гиёҳдаги қиз” номли поэмаси рус тилидан Иқром Отамурод таржимасида берилган.

Истеъдодли шоир ва таржимон Шавкат Раҳмон таваллудининг етмиш йиллиги муносабати билан адабиётшунос Қозокбой Йўлдошнинг “Поэтик ёлқин ёлғуси” мақоласида шоир шеърятининг бадий жозибаси, фалсафий моҳияти ҳамда унинг таржимонлик санъати ҳақида сўз юритилади. Ш.Раҳмоннинг Федерико Гарсиа Лорка шеърятидан қилган таржималаридан намуналар ҳам чоп этилган.

“Публицистика” руқнида берилган Аҳмаджон Мелибоевнинг “Одамнинг юзи” мақоласи ярим аслик ижодий тажрибага эга журналистнинг архивида сақланган материаллар асосида ёзилган. Муаллиф бугуннинг нуқтани назардан туриб ўтган аср ижтимоий ҳодисаларига муносабат билдиради. Мақолада кўплаб ёзишмалар, ҳужжатлар ва ноёб қўлёзмалар далил сифатида келтирилади, машҳур инсонлар ҳаёти ҳақида қизиқarli фактлар баён этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди жамоалари филология фанлари доктори, профессор **Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

АФИША

“ТЕНГИЗ” фильмини кўриб...

Ушбу фильм тўғрисида мутахассислар ва томошабинлар ҳар хил фикрда бўлишлари мумкин, ижтимоий тармоқларда кўрганларнинг илк таассуротларидан хабарим бор. Албатта, жаҳон кинофильмларини кўриб бораётган бугунги томошабинларни хайратга солиш қийин. Лекин «Тенгиз»ни «Қорақалпоқфильм» студиясининг бугунги ютуғи, десам адашмайман. Орол атрофидаги ҳаёт ва унинг муаммолари ичида яшаганим учун менга шундай туюлгандир. Фильм бош қаҳрамони — аёлнинг исми Тенгиз деб олингани ҳам бежиз

мада денгизнинг ўтмишига ёки унинг тарихи ва аҳамиятига шаъма ҳам йўқ. Менингча, бу шарт ҳам эмас. Ҳар қандай бадиятнинг ўзағида инсон тақдири ва қиёфаси туриши азалдан маълум. Шу нуқтаи назардан, “Қорақалпоқфильм” киностудияси шароитида одам тақдири орқали жаҳоншумул фожеанинг бир қиррасини кўрсатишнинг ўзи ютуғимиздир. Тенгиз – бахтли бўлишга тўла ҳақли мўйноқлик аёл. Лекин тасодифий воқеа сабаб у ёнғ оёғи ва ёнғ қўлидан айрилиб қолади. Энди унинг ҳаётдан умидлари узилган. Айни пайтда яшаш иштиёқини қайдан олди экан, деган савол очик қолади.

Муаммоларга қўниқиб кетганимизданми, баъзан теварак-атрофимизга эътибор беравермаймиз. Мен денгиз тўла пайтлари Оролдан ҳарбий хизматга кетиб, афғон урушидан бир оёғидан айрилиб, қўлтиктаёқда келган, туғилган соҳилдан денгизини тополмай, “Мени денгизимдан айирган шу мамлакат учун жанг қилганимиз!” дея, қўлтиктаёғини чекинаётган денгизга улоқтирган аскарни кўрган эдим. Бу Қораўзақ томонда бўлган эди, биз уни ўшанда зўрга юпатгандик. Фильмни кўриб, ўша аскар эсимга тушди.

1988 йили ташкил этилган “Орол-88” экспедициясининг муҳим хулосаларидан бири шу бўлдики, Ўрта Осиё республикалари ўртасида сув тақсимотида адолат тикланмас экан,

Орол қуришга маҳкум. Сабаби, республикалараро мавжуд сув тақсимотида денгизни мўътадил сақлаш учун маълум миқдордаги сув режалаштирилмаган. Аслини олганда, Орол ҳаммаининг эсидан чиқиб, одамларни денгизсиз ҳаётга қўниқтириш сиёсати юритилган эди.

2016 йили Орол муаммоси жиддий тарзда кўтарилди. Тирикчилик манбаи умумий бўлган қўшни республикалар чегаралари очилиб, дарёларнинг эркин оқимиға имконият туғилди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ минбаридан Оролнинг қуриш динамикаси харитасини кўрсатганига қадар, бу жаҳоншумул фожеа жаҳон ҳамжамиятининг эсидан чиқиб улгурган эди. Табиатни зўрлашга қаратилган эски тузум сиёсати давом этиб, ҳар бир республика фақат ўз манфаатларидан келиб чиқиб, дарёларни ўз ҳудудларида хусусийлаштиришга киришганди. Ўзбекистоннинг қўшни қардош халқлар билан дўстлик ришталарини тиклаш ва борди-келдиларни яхшилаш бўйича олиб борилган одилона сиёсати туғайли Оролнинг кўксига шамол теғди, бу ҳудудга эътибор мамлакатимизнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Томошабин ўз номи билан томошабин: у ҳамдардлигини чапак чалиб ё хайкириб ёки сукут сақлаб билдириши мумкин. Айниқса, воқеани узоқдан кўрган одамнинг ҳамдардлиги ўзгача, воқеанинг ичкарисида яшаганининг ҳиссиёти бошқача, улар ўзларига ҳамдардликдан қандайдир таскин топади.

Авалги кузатишларимдан бирида “Ҳар кимнинг кўнгида ўз Ороли бор. Бири тўла, бири ярим...” эканлигини таъкидлаган эдим. Фильм ана шунинг далилидир.

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ОГОҲЛИК

ҚОШ ва ҚОВОҚ орасида

Юртимизда қуз мавсуми. Айни хонадонларни иситиш мосламаларига эҳтиёж кучаядиган пайла.

Қузги мавсумни беталофат ўтказиш мақсадида шу соҳа ходимлари томонидан аҳоли турар жойлари ва маҳаллаларда учрашувлар ўтказилмоқда. Улар иштирокида кўп қаватли аҳоли турар жойлари, мактабгача бўлган болалар муассасалари, мактабларнинг ёнгина қарши ҳолати текширилиб чиқилмоқда. Текширув давомида асосий эътибор иситиш қозонлари, газ ускуналарининг созликка қаратилиб, камчиликлар юзасидан йўриқномалар берилмоқда.

Қуз қунарларида иссиқликни сақлаш мақсадида айрим ҳолда қўлда ясалган ёки носоз иситиш мосламаларидан фойдаланилади. Бу эса хавфли вазиятларни юзага келтиради. Ёки бўлмаса газ печи олдидан қирларни қуриштириш, кечаси электр печларини ноқулай жойда электр токидан узмасдан қолдириш ва сигарета қолдиқларини дуч келган жойга ташлаш оқибатида қатта ёнғинлар келиб чиқмоқда. Ёнғин оқибатида қатта миқдорда нафакат қорхона ва ташкилотлар зарар қўради, балки инсон саломатлиги ҳам хавф остида қолади.

Фуқаролар қуз мавсумида носоз иситиш мосламаларидан, ясама печлардан фойдаланмасликларни мақсадга мувофиқ. “Қолоқат қош билан қовоқ ўртасида”, дейишади. Шундай экан, ҳар биримиз хушёр бўлмоғимиз, яқинларимизнинг соғлиғига бефарқ қарамаслигимиз лозим.

Н.ЮСУПОВ, Б.ҲИКМАТОВ,  
А.АСИЛБОВ,  
ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Электрон почта манзили: [uzas.gzt@mail.ru](mailto:uzas.gzt@mail.ru)

Муассис:  
ЎЗБЕКISTON  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир  
Салим АШУРОВ

Хамқоримиз:  
akfa

Тахриратга келган кўғезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Мақсуд котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир: Абдуваҳид АЗИМОВ  
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.  
Алади - 5018. Буюртма Г - 1155.  
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.  
Нашр кўрсаткичи - 222.  
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

Таъқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42  
Сағват бўлими: 233-56-40  
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

ЖУМА КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ  
Сотувда нархи эркин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топириш вақти - 21.00.  
Босишга топириди - 21.55.

ISSN 2311-614X